

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун  
6-сонли ШАРТНОМА**

**Нукус ш.**

**5 апрель 2022 йил.**

Бундан бўён Буюртмачи деб аталувчи “Қорақолпогистон Республикаси минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Низом асосида иш юритувчи директор А.Сарсенбаев ва бундан бўён “Бажарувчи” деб юритиладиган “ЖайхунЖолЖойбар” МЧЖ номидан ишончнома асосида иш кўрадиган бош мухандис С.П.Каипов орқали куйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи топширади. Пудратчи эса Қорақолпогистон Республикаси Нукус шахри А.Кахрамон МФИ Нокис кучасинин жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб боришини ўз зиммасига олади.

Буюртмачи: молиялаштиришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартнома лойиҳа-смета ишларини бажариш ва муалифлик назоратини олиб бориш билан боғлиқ ишларга тузилган.

1.3. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш шартнома газначилиқдан рўйхатдан ўтиб ва буюртмачи томонидан бирламчи хужжатлар тақдим этилган кундан бошланади.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга ошириш баҳоси ҚҚС билан 17 230 000 (ўн етти миллион икки юз ўттиз минг) сўмни ташкил қиласди.

2.2. Буюртмачи шартномани Газначилиқдан рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб ўн банк кунида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ҳар бир босқичда бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори белгиланган фоиз доирасида ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш оралиқ далолатномалари имзолангандан сўнг 5 банк куни мобайнida Бажарувчига ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

2.5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Бажарувчига ёрдам кўрсатиш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш, Бажарувчининг розилигисиз шартнома бўйича бажарилган ишларни учинчи шахсга бермаслик ва ундан мавзумотларни тарқатмасликни ўз зиммасига олади.

3.4. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ҳаки ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ишларни тугаллаш муддати ҳам тўлов ҳаки кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.5. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, келишилган қўшимча муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажаради.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.4-банди бажарилмаган ҳолда Бажарувчи бухгалтерия ҳисоб-китобларини ўзаро солишириш далолатномаси ёки бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Буюртмачининг банкдаги барча турдаги ҳисоб-рақамларидан инкассо талабномаси қўйиш орқали пулни ундиришга тўлиқ ҳақли.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан сўнг Бажарувчи томонидан расмийлаштириб Буюртмачига топширилиши керак бўлган ҳисобот хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кунидан бошлаб 5 кун мобайнida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишини ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичida Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай

холатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган холда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган холда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичida ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Қорақолпогисон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга Лойиха бўйича хulosса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Буюртмачи ва Бажарувчи ишларни давом эттириш ёки уларни тўхтатиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиласидилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган холда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қиласиди ва тўла тўловни амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Лойиҳа-смета хужжатларига давлат экспертиза хulosаси олиниб, ушбу давлат экспертиза хulosасига асосан шартнома баҳоси қўшимча келишув асосида ўзгартирилгандан сўнг Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига топширади.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган холда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш хукуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувга эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва Нукус туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширганда шартлашилган тўлов кечикирилган хар бир кун учун 0,1 фоизи миқдорида пења тўлайди, бунда пењанинг умумий суммаси шартнома нархининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим. Агар молиялаштириш манбаи томонидан кечикирилган тақдирда буюртмачи жавоб бермайди.

7.7. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечикирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида пења тўлайди, бироқ бунда пењанинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.8. Агар Буюртмачининг мазкур шартнома тузилган кун ҳолатига аввалги шартномалар бўйича Бажарувчи олдида қарздорлиги бўлса, Бажарувчи ушбу шартномага асосан тўланган пул маблағларидан энг аввало қарздорликни ушлаб қолишга ва қарздорлик ёпилгандан кейин қолган маблағларни ушбу шартнома бўйича ҳисобга олишга ҳақли.

7.9. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1- илова)
- Лойиҳа ишларини аниқлаш сметаси (2- илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (3- илова)

7.10. Тўланган пења ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

- 7.11. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача  
7.12. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

**8. Томонларнинг манзили ва хисоб рақамлари**

**Буюртмачи**

Қорақолпогистон Республикаси “Минтақавий

йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 304521860354017045129118161

ИНН 207255036 ОКЭД:71120

Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с казн: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

ИНН 201122919

Директор

А.Сарсенбаев

**Бажарувчи**

**"JAYXUN JOL JOYBAR" МЧЖ**

Манзил: Қорақолпогистон Республикаси

Нукус ш. А.Досназаров 64-уй 1-хона

м/х: 22626000904361215001

KK отд Нац банк г. Нукус

МФО 00582 ИНН 205254933

ОКОНХ: 66000

ОКЭД: 71120

Бош муҳандис

С. Каипов

**ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:**

Ушбу шартнома амалдаги қонун хужжатларига мос келади, имзоласа бўлади деб хисоблайман.

Қорақолпогистон Республикаси

МИБХ ДУК Бош юристконсультi :-

У. Йахширова

2022 йил 5 апрелдаги  
6-сонли шартномага 1-илова

**Шартнома баҳосини келишуви  
БАЁНИНОМАСИ**

Биз, куйида имзо чекувчилар: Қорақолпогистон Республикаси Нукус шахри А.Кахрамон МФЙ Нокис кучасинин жорий таъмирлаш ишларининг смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича 2022 йил 5 апрелдаги 6-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан 17 230 000 (ўн етти миллион икки юз ўттиз минг) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**Буюртмачи**

Қорақолпогистон Республикаси “Минтақавий

йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК

Манзил: Нукус ш. Хужайли гузори 16/1 уй  
ш/х: 304521860354017045129118161

ИНН 207255036 ОКЭД:71120

Молия Вазирлиги газначилиги

Р/с казн: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

ИНН 201122919

Директор

А.Сарсенбаев

**Бажарувчи**

**"JAYXUN JOL JOYBAR" МЧЖ**

Манзил: Қорақолпогистон Республикаси

Нукус ш. А.Досназаров 64-уй 1-хона  
м/х: 22626000904361215001

KK отд Нац банк г. Нукус

МФО 00582 ИНН 205254933

ОКОНХ: 66000

ОКЭД: 71120

Бош муҳандис

С. Каипов

2022 йил 5 апрелдаги 6-сонли шартномага 2-илова

**Смета хужжатларини аниқлаш қайдномаси ва бажариш календар режаси**

I. **Иш тури:** Корақолпогистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш.

II. **Буюртмачи:** “Корақолпогистон Республикаси минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК.

III. **Бажарувчи:** “Жайхун Жол Жойбар” Маъсулият Чекланган Жамияти.

№	Объектлар номи ва манзили	Лойиха куввати, км/пм	ҚМИ минг.сум	ЛСХ минг.сум	Бажариш муддати
1	2	3	4	5	6
1	Нукус шахри А.Кахрамон МФЙ Нокис кучасинин жорий таъмирлаш		1 325 384,615	17 230,000	2022й апрель
	<b>ЖАМИ</b>	<b>0,000</b>	<b>1 325 384,615</b>	<b>17 230,000</b>	

Қайднома бўйича жами:

ҚҚС билан 17 230 000 (ўн етти миллион икки юз ўттиз минг) сўм.

Лойихачи:

Буюртмачи томонидан келишилди:



2022 йил 5 апрелдаги 6-сонли шартномага 3-илова

Корақолпогистон Республикаси ҳудудидаги минтақавий йўлларни таъмирлаш учун смета хужжатларини таёrlаш ва муаллифлик назаротини олиб бориш бўйича

**БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молияла штириш муддати	минг.сўм
			муддати	қиймати		
1	2	3	4	5	6	
	Аванс тўлови				5 169,000	
1	Нукус шахри А.Кахрамон МФЙ Нокис кучасинин жорий таъмирлаш	17 230,000	2022й апрель	12 061,000	17 230,000	2022й апрель
	<b>ЖАМИ</b>	<b>17 230,000</b>				

